

4-1404-2301/766-сонли иш

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2023 йил 02 июнь

Жомбой тумани

Жомбой туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Э.Турсунова ушбу кун, 3333333333нинг даъвогар – XXXXXXXXXXXXXXXX манфаатида, жавобгар –УУУУУУУУга нисбатан киритган даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни соддалаштирилган иш юритиш тартибида Жомбой туманлараро иқтисодий суди биносида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жомбой туманлараро иқтисодий судига Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар – XXXXXXXXXXXXXXXX манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар –УУУУУУУУдан 410137 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Даъво аризада баён этилишича, даъвогар – XXXXXXXXXXXXXXXX ва УУУУУУУУ ўртасида “Пилла харид қилиш бўйича контрактация шартномаси” тузилган. Мазкур шартномага кўра, жавобгар УУУУУУУУ “Хўжалик” даъвогар - XXXXXXXXXXXXXXXX “Бюртмачи”га тирик пилла маҳсулотини етказиб бериш, “Бюртмачи” эса ушбу маҳсулотларини қабул қилиш ҳамда тегишли тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган. Тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан “Бюртмачи” ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган бўлсада, бироқ “Хўжалик” шартномада белгиланган мажбуриятини бажармаган. 2018 йилдаги солиштирама далолатномага асосан бугунги кунда УУУУУУУУнинг қарздорлиги 410137 сўмни ташкил этмоқда. Қарздорлик тўлаш бўйича жавобгарга бир неча мартаба оғзаки ва ёзма мурожаатлар қилинган бўлса-да, ҳеч қандай ҳаракатлар амалга оширилмаган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар – XXXXXXXXXXXXXXXX манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар –УУУУУУУУдан 410137 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 203⁴-моддаси иккинчи қисмига кўра, жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасининг кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Ушбу Кодекснинг 203⁴-моддаси учинчи қисмига кўра, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

Бироқ, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмади.

Ушбу Кодекснинг 203⁴-моддаси тўртинчи қисмига кўра, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган



жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сонли қарорнинг 43-бандининг саккизинчи хат бошисида, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримда иш соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилиши, жавобгар даъво аризасининг кўчирма нусхаси олинган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли эканлиги, иш юзасидан суд муҳокамаси ўтказилмасдан, тарафлар чақиртирилмасдан ва уларнинг тушунтиришлари эшитилмасдан ҳал қилув қарори қабул қилиниши кўрсатилиши лозимлиги юзасидан тушунтриш берилган.

Ушбу ҳолатда суд, тақдим этилган ҳужжатлар ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятини беришини инобатга олиб, ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, қуйидаги асосларга кўра, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида, мажбуриятлар мажбурият шартларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 333-моддасида, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беришлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасида, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатиланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи” тўғрисидаги Қонунининг “Давлат божи ставкаларининг миқдори” ҳақидаги иловасига мувофиқ, мулкий тусдаги даъво аризалардан даъво баҳосининг 2 % миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда этиб кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатларга ҳамда моддий ва процессуал қонун нормаларининг талабларига асосланиб суд, даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 410137 сўм асосий қарз, 33 000 сўм почта харажати, шунингдек республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига 330 000 сўм давлат божи ундириб, даъво талабини қолган қисмини рад этишни лозим топди.



Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176,180, 203², 203⁴-моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р қ и л а д и:

Даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

даъвогар – XXXXXXXXXXXXXXX ҳисобига жавобгар - УУУУУУУУУ хисобидан 410137 сўм асосий қарз ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар - УУУУУУУУУдан Республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига 330 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида мажбурий ижро этилиши лозимлиги тушунтирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Судья

Н.Э.Турсунова

